

“Ватанни севинг Бобур каби”



“Ватанни севинг Бобур каби”

Мустақил Ўзбекистоннинг тарихий солномасида 14 февраль санаси алоҳида ўрин эгаллайди. Боиси, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода Заҳриддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур айнан 1483 йилнинг 14 феврилида Андижон шаҳрида таваллуд топган. Буюк саркарда ва шоир таваллудининг 537-йиллигига бағишлаб бугун, Сух туманининг 30-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан тантанали тадбир ўтказилди. Тадбирда туман УЎТ мактабларининг етакчи ўқитувчилари иштирок этишди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими Фаррух Усаров ташкил этилган тадбир учун туман халқ таълими бўлими маъмуриятига миннатдорчилик билдириб, Мирзо Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўсиб келаётган баркамол авлоднинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди. Чунки шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур учун Сух диёри бегона эмас. Шоир Сухда ўтган кунлари ҳақида ўзининг безавол “Бобурнома” асарида ибратли ҳикоятлар ёзган.



Тадбир давомида бир қатор туман таълим фидойиларига эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Жумладан, туман халқ таълими бўлими методисти Олимжон Юнусовга “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўрак нишони, 5-сон УЎТ мактаби директори Мўсобой Гадоев ва 12-сонли УЎТ мактаби ўқитувчиси Сайиддин Ҳамдамовларга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг фахрий ёрлиқлари, шунингдек, 4-сонли УЎТ мактабининг собиқ директори М. Усмоновга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.



Тадбир иштирокчилари мавзўга доир 3-сонли ИДУМ ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан тайёрланган адабий-бадий композицияни томоша қилишди. Саҳнада Бобур ҳаёти талаба ёшлар ижро этган ролларда яна жонланди. “Ватанни севинг Бобур каби” деб номланган композиция барчага манзур бўлди, чунки талаба ёшлар ижросида Бобурнинг Сухдаги ҳаёти тасвирлаб берилди.



Олқишларга сазовор бўлган ўқувчиларга ижро этган роллари учун туман ҳокими томонидан махсус совғалар тақдим этилди. Тадбир ташкилотчилари - 3-ИДУМ директори Д. Юнусов ва туман халқ таълими бўлими вакиллари Г. Ибрагимов ва Б. Ҳусейновларнинг маълумотиغا кўра, шоир таваллудига бағишланган тадбирлар туманнинг барча таълим муассасаларида ўтказилади.

Сух тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати

2020-02-14 18:08:00